



27.07.2022 даги

MCHJ DAVR RAVON YOL ва Паркент туман Ободонлаштириш бошқармаси ўртасида 444260180,00 сўм умумий
суммага тузилган 2022/58 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб _____ 110
Шахсий газна ҳисобварақ _____ 401722860272497045203110003

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда
	4233100			Жами
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль	444 260 180,00			444 260 180,00
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	444 260 180,00			444 260 180,00

Жами 444260180,00 сўм Тўрт юз қирк тўрт миллион икки юз олтмиш минг бир юз саксон сўм
00 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 133278054,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***20 _____ ойида тўланиши лозим.


(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;


(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойдаги _____ % жорий ойднинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари
М.Ў





Ж.Дадабоев
(имзо) Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери


Набиев А. А.
(имзо) Ф.И.Ш.

Газначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди
_____ (имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди
 (имзо)

« _____ » _____ 20 _____ й.

« _____ » _____ 20 _____ й.

“Паркент туман ободонлаштириш бошқармаси” (кейинги ўринда “буюртмачи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Дадабоев Жасур Норматович** бир томондан ва **ООО DAVR RAVON YO'L** (кейинги ўринларда “пудратчи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Норматов Жамшид Рўзиевич** иккинчи томондан, ташаббусли бюджет маблағлари ҳисобидан Тошкент вилояти Паркент тумани Бўрилик МФЙ Загитова кўчасини жорий таъмирлаш (кейинчалик объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан ҳагид.uzex.uz махсус ахборот портали орқали (Лот рақами 22110012122129) эълон қилинган ва “Паркент тумани ободонлаштириш бошқармаси” харид комиссиясининг 2022 йил 23 июлдаги баённомасига асосан қуйдаги шартномани туздилар:

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйдаги таърифлар қўлланилади:
ижро хужжатлари - натурда бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга қиртилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркигиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар.

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича *буюртмачи* томонидан *пудратчи*га ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

беркигиладиган ишлар - сифати ва анкилигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркигиладиган ишлар.

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича объектда жорий таъмирлаш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, *буюртмачи* эса *пудратчи*га жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида қабул қилиш ва молиялаштириш манбаи бўлган ташаббусли бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминлигини билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. *Буюртмачи* томонидан молиялаштириладиган қурилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблағ бўйича анкиланади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда шартноманинг умумий қиймати **ҚҚС бйлан 444 260 180 (Пурт юз кнрк турт миллион икки юз олтмиш минг бир юз саксон) сўм**, шундан **ҚҚС 57 946 980 (Эллик етти миллион тўққиз юз кнрк олти минг тўққиз юз саксон) сўми**ни ташкил этиб, мазкур маблағ молия бошқармаси томонидан ажратилгач 10 кун муддатда тегишли тартибда молиялаштириш жадвалига асосан пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш назарда тутилди.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйдаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга энгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда,
- ишлар ҳажми *буюртмачи* томонидан ўзгартрилганда,

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар *буюртмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги шартномага қўшимча қилиш билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича *пудратчи* шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ҳулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари *Пудратчи* томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета хужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича қурилиш мумкин бўлган зарари ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида *буюртмачининг* руҳсати билан йўналтириши мумкин;

-объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва *буюртмачи*га топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тасдиқ этади;

-шартнома шартларига асосан объектни *буюртмачи*га тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади; *буюртмачи*га хабар бериши шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг I-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қондалари ва меъёрига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни *Буюртмачи*га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, транспорт воситалари, анжомлар, қурилиш материаллари, буюмлар вақтинчалик бинолардан бўшагади;

-қурилиш майдони қуриқланганини таъминлайди;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга таъйр ҳолда топширилиши учун *буюртмачи* олдига тўлиқ мулкчи жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача *пудратчи* жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтарини юритади. Агар *буюртмачи* ишларнинг бориши ва сифатидан ёки *пудратчининг* қайтларидан қониқмас, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

4.4. *Пудратчи* дафтарда *буюртмачи* томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун *буюртмачи*:
 -ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган *пудратчи* томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, *пудратчи*дан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олиши таъминлаш;

-*пудратчининг* барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминлигини билан белгиланган ишлар қийматининг **30 фоизи микдорда бўнак (аванс) бериш** ва ҳар ойда ажратилган авансини мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

-10 кунлик муддат ичнда *пудратчи* томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган хужжатларда камчиликлар анкиланса уларни кўрсатган ҳолда *пудратчи*га қайтариб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. *Пудратчи* мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
 6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. *Буюртмачи* *пудратчи*га шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бўнак(аванс) маблағи ўтказди.
 7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар микдоридан фонд ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. *Буюртмачи* объектда ўз вақилини - техник кузагувчнин тайинлайди, у *буюртмачининг* номидан бажариладиган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек *Пудратчи* томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. *Пудратчи* таъмирлаш даврида *бюртмачининг* вақилини (техник кузатувчи) вақтинчалик таъминлашдан таъмирланадиган йўл қисмига бориб келишига транспорт, объектда иш жойи билан таъминлашнинг ўз зиммасига олади.

8.3. *Пудратчи* объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш хужжатларини, қилинган сарф-харажатларини *бюртмачи* томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан объектнинг ўзида кўриб чиқилиш ва тўлиқ маълумотни *бюртмачига* топширади.

8.4. Бажарилган ва молилаштирилган учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик ҳато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

8.5. *Пудратчи* ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.6. *Пудратчи* ишларни смета хужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.7. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник хужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси ақс эгитирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.8. *Пудратчи* *бюртмачининг* қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитилмаган ишлар *Бюртмачининг* тасдиқланган баҳарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб қабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича *Пудратчи* *Бюртмачининг* кўрсатмасига мувофиқ баҳардор қилинган ишларнинг ҳолдан қисмини ўз ҳисобидан очиниша, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар *бюртмачи пудратчи* ва (ёки) унинг ёрдамчи *Пудратчилари* томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилишини аниқласа, у ҳолда *Пудратчи* ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатга қайта бажаришга мажбурдир.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. *Пудратчи* таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган объект *бюртмачи* томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КҮЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулодда вазиетлар, фавқулодда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошқини, кўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиқ учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузиллиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, *Пудратчида* зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзата келтирилган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга қўзилса, у ҳолда *Пудратчи* ва *Бюртмачи* ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичиде келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни

фойдаланишга қабул қилиб олиш шахарсозлик нормалари, қондалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Объектда жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг:

1) Маҳаллий ички хўжалик йўллари қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўқазилади;

Бунда, *Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ* махсус лицензияга эга, *лаборатория синовлари қурилиш соҳасида амалда бўлган меъёрий хужжатлар*, қурилиш нормалари ва қондалари бўйича *фойдалан* юртимиздан. Маҳаллий ички хўжалик йўллари қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўқазилса *каттасолашган*, кўп *йиллик таърибга эга корхона (ташкилот, муассаса, жамият)ларнинг* *Лаборатория синов натижалари бўйича хўшасоватини олиш талаб қилинади.*

2) *Пудратчи* ташкилоти томонидан тугалланган объектни қабул қилиб олиш учун тегишли хужжатларни расмийлаштирилади ва *бюртмачига* хабарнома юборади;

3) *Ички йўллари жойларда фойдаланишга қабул қилиш юзасидан тузилган ишчи гуруҳ* томонидан фойдаланишга қабул қилингандан сўнг, *Бюртмачи* томонидан яқуний ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

11.3. *Пудратчи* ташкилот ишчи гуруҳига қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда маъсул ижрочиларни кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилинган тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- йўл-қурилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (туңроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

- ишларни бажариш журнали;

- ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш "Йўл қурилиш сифат назорат қилиш" давлат инспекцияси томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилинганлиги тўғрисидаги далолатномалари.

11.4. *Пудратчи* жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ *бюртмачига* *бюртмачи* томонидан белгиланган тарқибда икки нусxada ижро хужжатларини беради. *Пудратчи бюртмачига* ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.5. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. *Пудратчи*:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета хужжатларига, шахарсозлик нормалари ва қондалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини,

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишини;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой эътиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатига аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишнинг давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар *пудратчи* томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мажбур нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари *пудратчи* ва *бюртмачининг* икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар *пудратчи* бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичиде бартараф этмаса, *Ўзбекистон Республикаси* томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий хужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда қонунни муҳофаз қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. *Бюртмачи*:

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши *буортмачига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *пудратчи* томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда,
ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати *пудратчининг* айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўнайган ҳолда;

-*пудратчи* томонидан шартнома шартлари шахарозлик нормалари ва қондалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. *Пудратчи*.

-ишларнинг бажарилиши *пудратчига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *буортмачи* томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-*буортмачи* томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон ушбу бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма бидирлишнома юборадди.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларини қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекс, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юртыдаги субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонуни ва бошқа конун ҳужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмирлаш ишларини олиб бораётган *пудратчи* ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ *буортмачи* олдидан қуйидаги ишлар бўйича мулкীয় жавобгарлар:

-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқинлари ва набатларини белгиланган муддатга тугалланмаганлиги;

-*буортмачи* билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмирлаш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда *пудратчи*, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармаган ёки тўла-қонли бажармаган.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларга кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун *буортмачи пудратчига* кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4% (фонзи) миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% (фонзи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаши *буортмачини* шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. *Пудратчи* томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, *пудратчи буортмачига* муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фонзи) миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фонзи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш *пудратчини* ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шахарозлик нормалари ва қондалари, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаसा, у ҳолда *буортмачи* ваколат доirasидан келиб чиққан ҳолда «Йўлқурилишсифатназоратқилиш» давлат инспекцияси Хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек *пудратчининг* сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга. *Буортмачи* томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун *пудратчи* Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юртыдаги субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонунининг 26 моддасига асосан сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20%(фонзи) миқдоридан жарима тўлайди.

14.5. *Буортмачи пудратчининг* бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида *буортмачига* қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича

мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, *буортмачи* ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

14.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзга келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара бўли билан хал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманларо иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, қўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни қўриб чиқиш муддати эътироз бидирилган томон олгандан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олднинг ёзма ва оғзак битимлар, ёзиқлар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотмайди.

16.2. *Пудратчи* қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини *буортмачисинг* ёзма рухсатсиз, ёрдамчи *пудратчилардан* ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. *Буортмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги мазкур шартномалан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай ахдилашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирилади.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни вуқудга келди.

XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

17.2. Мазкур шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова – Бажариш жадвали,

2-илова – Молиялаштириш жадвали.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

БУОРТМАЧИ

Паркент тумани Ободлаштириш бошқармаси

Паркент тумани А.Навойи-36

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

ИНН: 201122919 МФО: 00014

Мар.б. Тош.вил.ХККМ

Ш/р: 40172286027497045203110003.

ИНН: 200 571 338

ОКЭД 90211

ПУДРАТЧИ

ООО DAVR RAVON YO'L

Тошкент шаҳри Бектемир тумани

Олтинтопан кўчаси 25уй

х/р: 2020 8000 8050 9348 6001

ИНН 306 475 529 МФО 01072

Тош.ш.Давр банк, Мирзоуллубек ф/ли

ОКЭД 71120



Директор: *J. N. Dalabov* Ж.Н. Далабов



Ж.Р. Норматов



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"DAVR RAVON YO'L" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"DAVR RAVON YO'L" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

12.06.2019

728832

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306475529

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:


Toshkent shahri, Bektemir tumani, Oltin topgan ko'chasi 25-uy,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Bektemir tumani, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



Ushbu

700033 - o'zka

100033 - qizil

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi. Shartnoma.
2. Loyihaning nomi.
Pudrat shartnomasi.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Parkent tumani Obodonlantirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 25.07.2022 yilda dasturga kiritilgan.

Hujjat raqami: KP48626771.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



M.M.Mansurov

2022-yil 26-iyul

“Тасдиқлайман”

Паркент туман

Ободонлаштириш бошкармаси

бошлиги:  Ж.Дадабоев



Паркент туман Ободонлаштириш бошкармаси туман ички хужалик йулларини “Фуқороларни овоз бериш йули” билан ташаббусли бюджети асосида (опен бюджет маблағлари ҳисобидан) шаклланган маблағлар ҳисобига жорий таъмирлаш ишлари билан шугулланувчи ташкилотларни танлаб олиш

БАЁННОМАСИ №7

27.07.2022 йил

Паркент тумани

Қатнашдилар:

Комиссия раиси:

Г.Алихужаев

Бош муҳандис.

Аъзолари :

Б.Абдумажидов

И.О.С булим бошлиги

Ф.Норматов

ички кучалар буйича техник

Т.Нуров

механик

О.Ахмедов

булим бошлиги

З.Зиёвуддинов

омбор мудири

Кўрилган масала:

- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.05.2022 йилдаги №276 сонли “Давлат харидларини амалга ошириш ишларини яънада такомиллиштириш тўғриси” даги қарорига асосан Паркент туман Ободонлаштириш бошкармаси ҳисобхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Товар Хом Ашиё биржасини UzEX TENDTER сайтига Бурсилик МФЙ Зангтепа кучасини жорий таъмирлаш асфальтлаш учун берилган харидорларни танлаб олиш жараёнида 14.07.2022 йилда 22110012122129 лот билан берилган тендер савдоларини 444,260,180.00 (Турт юз қирк турт миллион икки юз олтмиш минг бир юз саксон) сумга ООО DAVR RAVON YOL корхонаси **голиб деб топилган эди.****

Ушбу низомнинг тегишли бандларига асосан баённомага 2 –кунлик муҳокамада сунг ҳеч қандай эътирозли ҳолатлар билдирилмади.

Комиссия аъзолари: Паркент туман Ободонлаштириш бошкармаси ва ООО DAVR RAVON YOL уртасида Бурсилик МФЙ Зангтепа кучасини жорий таъмирлаш асфальтлаш ишлари учун 444,260,180.00 (Турт юз қирк турт миллион икки юз олтмиш минг бир юз саксон) сумга ООО DAVR RAVON YOL корхонаси билан узаро шартнома тузишга келишилди.

АСОС: 23.07.2022 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Товар Хом Ашиё биржасини UzEX TENDTER сайтида мажлис баённомаси.

Комиссия раиси:

Г.Алихужаев

Бош муҳандис.

Аъзолари :

Б.Абдумажидов

И.О.С булим бошлиги

Ф.Норматов

ички кучалар буйича техник

Т.Нуров

механик

О.Ахмедов

булим бошлиги

З.Зиёвуддинов

омбор мудири

2-илова

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

Йил-лар	2022 йил												Жами				
	январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр					
Ажратилган аванс маблағи																	
Ажратилган аванс маблағининг ишбатга олиб бажарилган ишларини молиялаштиришга ажратилган маблағ							444 260 180										444 260 180
Жами:							444 260 180										444 260 180
Жами молиялаштирилган маблағ													444 260 180				

сўм



БЮРОТМАЧИ:

Handwritten signature in blue ink.



ДИРАКТИ:

Handwritten signature in blue ink.

Тошкент вилояти Паркент тумани Бўрсиллик МФЙ
 "Зангтепа" кучасини 2022 йил "24" "07"
 даги 2022/58-сонли шартномасига

I-илова

БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

№	Амалга оширилган ишлар	Йиллар	2022 йилда объект қиймати												Иш турлари бўйича умумий қиймати	
			I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак				
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
1	Жорий таъмирлаш	2022							444 260 180							444 260 180
ҲАММАСИ:		2022							444 260 180							444 260 180

сўм




Handwritten signature



Handwritten signature

ИМЗАЛАДҒАН:



XALQ DEPUTATLARI PARKENT TUMAN KENGASHINING QARORI

2022 - yil 23 - aprel

VI-47-37-10-141-K/22

Parkent tuman hokimligi

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 13 apreldagi PQ-5072-sonli va O'zbekiston

Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2021 yil 22 apreldagi KQ-213-IV-sonli qaroriga asosan, huddudlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishga qaratilgan jamoatchilik fikri asosida shakllangan va ovoz berish yakuniga ko'ra "g'olib" takliflarni tanlab olish hamda ularga mablag' yo'naltirish to'g'risida.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 13 apreldagi "Budget jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-5072-sonli va O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2021 yil 22 apreldagi KQ-213-IV-sonli qarorida belgilangan vazifalarning ijrosini tizimli ravishda tashkil qilib boshish zarurligi va yuqoridagi qarordan kelib chiqqan holda, Halq deputatlari tuman Kengashining 2022 yil 4 martdagi VI-44-24-10-141-K/22-son qarori va unga asosan tuman Ishchi gurubi tarkibi, mablag'larni jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarga yo'naltirish tartibi to'g'risidagi NIZOM tasdiqlangan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 13 apreldagi PQ-5072-sonli qaroriga muvofiq, Parkent tumaniga fuqarolarni qiyinab kelayotgan muammolar bo'yicha takliflarni moliyalashtirish uchun mahalliy budgetning qo'shimcha manbalari hisobidan 5494540 ming.so'm yo'naltirilib, "Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi" maxsus g'azna hisobvaraq'ida mablag' shakllantirilgan. Moliya vazirligi tomonidan ochilgan Ochiq budget (openbudget.uz) portalida 2022 yil 1 fevraldan 22 fevralga qadar bo'lgan davrda tuman fuqarolari tomonidan jami 89 mird 127 mln. so'mlik 221 ta taklif kiritilgan va takliflar ro'yhatini Ishchi komissiyaning 2022 yil 5 martdagi yig'ilishida ushbu takliflar komissiya a'zolari tomonidan loyihaga qiyamatlari qayta ko'rib chiqildi.

Komissiya a'zolari o'z xulosalarida, ilovada ko'rsatilgan jami 221 ta 89 mird 127 mln. so'mlik taklifdan:

- 4 mird. 860 mln.so'mlik 19 ta taklif takroriy bo'lganligi sababli;

- 16 mird. 804 mln. 400 ming so'mlik 32 ta taklif belgilangan mezon talablariga mos kelmaganligi sababli;

- 4 mird. 048 mln. 800 ming so'mlik 6 ta taklif Xududgaz "Toshkent" gaz ta'minoti filialidan texnik shart va loyihalashtirish ishlari amalga oshirilmaganligi, hozirgi kunda gazlashtirish ishlarni imkoni mavjud emasligi sababli;

- 488 mln. 800 ming so'mlik 2 ta taklif O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 26.12.2018 yildagi 1050-sonli qarorning 31-bandiga asosan yer egalari hisobidan amalga oshirilishi sababli;

- 1 mird. 170 mln. so'mlik 3 ta taklif 2022 yil Obod qishloq dasturiga kiritilganligi sababli;

- 100 mln. so'mlik 1 ta taklif O'zbekiston Respublikasining 05.07.2021 yil-dagi O'RQ-699-sonli Qonunning 7-bandiga asosan;

- 720 mln. so'mlik 2 ta taklif Toshkent viloyati hokimligining 2021 yil 3 avgustdagi K-2574-sonli topshirig'i ijrosini ta'minlash maqsadida manzilli dasturga kiritilganligi sababli;

- 1 mird. so'mlik 1 ta taklif O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 31.12.2019 yildagi PQ-1053-sonli qaroriga asosan;

- 1 mird. 954 mln. so'mlik 4 ta taklifning aniq manzili va bajarilish kerak bo'lgan ish xajmi ko'rsatilmaganligi sababli;

- 100 mln. so'mlik 1 ta taklif Nevich qishlog'i suv tarqatish inshootining to'liq ishga tushirilishi munosabati sababli rad etish hamda rad etilgan takliflar bo'yicha taklif bergan shaxsning shaxsiy kabinetiga rad etishning asoslangan sabablari to'g'risidagi xabarнома yuborilgan.

Tanlab olingan 58 mird. 081 mln. 020 ming so'mlik 150 ta takliflar, ma'sullar tomonidan qayta hisob-kitob qilinib, loyihalar miqdori 63 mird. 262 mln. 850 ming so'm qilib belgilangan holda, jamoatchilik o'rnatida yigirma sakkiz kun davomida ovoz berish jarayoniga ruxsat berilgan va ovoz berish jarayoni joriy yil 5 martdan 1 aprelega qadar etib belgilangan edi.

Tuman budgetning jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni moliyalashtirishga yo'naltirilgan mablag'larning belgilangan maqsadlarda va samarali foydalanilishi hamda mablag'larning ajratilishi uchun fuqarolar tomonidan ovoz berish jarayoniga ruxsat etilgan 150 ta taklifdan 106 tasiga jami 16084 ta ovoz berildi (1-ilova kiritilgan takliflar kesimida berilgan ovozlar soni bo'yicha ma'lumot).

Ovoz berish yakuniga ko'ra, Moliya Vazirligining 2021 yil 6 sentabr kungi "Tuman va shaharlarda fuqarolar tomonidan bildirilgan takliflar asosida g'oliblarni aniqlash yuzasidan" qo'llanmasi talablari asosida jamg'armada shakllangan mablag' doirasida eng ko'p ovoz olganlardan boshlab, pasiga qarab, 9 ta taklif "g'olib" deb topilib, ushbu takliflarning qiymati 5 mird. 320 mln. so'mni tashkil etmoqda.

"Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi"da mablag'imiz 5494.540 mln. so'mni tashkil etadi.

G'olib takliflarni moliyalashtirish tegishincha Xalq deputatlari tuman Kengashi tomonidan tasdiqlanadigan manzilli ro'yxat asosida amalga oshirilishi belgilangan. (2-ilova manzilli ro'yxat)

Jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni amalga oshirish bo'yicha tuzilgan shartnomaga ishtar hujjatning ko'payishi yoki loyihaning o'zgartirilishi bilan bog'liq o'zgartirishlar kiritilishiga yo'l qo'yilmaydi.

Tuman budgetlarining jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni moliyalashtirishga yo'naltirilgan mablag'larning belgilangan maqsadlarda va samarali foydalanilishi hamda mablag'larning ajratilishi uchun taqdim etiladigan barcha hujjatlarning haqqoniyligiga Ishchi komissiya a'zolari shaxsan javobgarligi e'lon o'tildi.

O'zbekiston Respublikasi "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risidagi" Qonunning 6 va 24-moddalariga asosan Xalq deputatlari Parkent tumani Kengashi

QAROR QILADI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 13 apreldagi "Budget jarayonida fuqarolarning faol

ishtirokni ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-5072-sonli va O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2021 yil 22 apreldagi KQ-213-IV-sonli qarorida belgilangan vazifalarning ijrosi yuzasidan hisoboti va ishchi guruh tomonidan 2022 yil 5 martda o'tkazilgan yig'ilish bayoni ma'lumot va ijro uchun qabul qilinsin.

1. Komissiya a'zolari o'z xulosalariga asosan:

-Moliya Vazirligining 2021 yil 6 sentabr kuniidagi "Tuman va shaharlarda fuqarolar tomonidan bildirilgan takliflar asosida g'olblarni aniqlash yuzasidan" qo'llanmasi talaflari asosida, eng ko'p ovoz olgan, 9 ta taklif "g'olib" deb topilib, ushbu takliflarning qiymati 5 mlrd. 320 mln. so'm miqdorida ilovadagi manzilliy ro'yhat asosida tasdiqlansin va ijro uchun qabul qilinsin. **Belgilab qo'yilishini:**

- Jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni amalga oshirish bo'yicha tuzilgan shartnomaga ishlar hajmining ko'payishi yoki loyihaning o'zgartirilishi bilan bog'liq o'zgartirishlar kiritilishiga yo'l qo'yilmasin;

-Buyurtmachi tashkilotlar ajratilgan mablag'larni, loyiha-smeta xujjatlari asosida belgilangan tartibda maqsadli ishlatilishini va amalga oshirilgan ishlar bo'yicha Xalq deputatlari tuman Kengashi va tuman hokimligi xuzuridagi ishchi guruhga ma'lumot kiritib borilsin.

3. Tuman hokimligining axborot xizmati rahbari-matbuot kotibi (B.Shog'ulomov), tuman "Parkent tongi" gazetasi (A.Maxmudov) bilan birgalikda jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan va "g'olib" deb topilgan tadbirlarning moliyalashtirishi hamda amalga oshirilishi lozim ishlar bo'yicha ma'lumotlarni keng jamoatchilikka muntazam yoritib borilishini ta'minlasin.


4. Tuman hokimligi Moliya bo'limi (Moderator) ma'lumotlarni "Ochiq budjet" portaliga joylashtirilib borilishini ta'minlasin.

5. Tuman budjetlarining jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni moliyalashtirishga yo'naltirilgan mablag'larning belgilangan maqsadlarda va samarali foydalanilishi hamda mablag'larning ajratilishi uchun taqdim etiladigan barcha hujjatlarning haqqoniyligiga Ishchi komissiya a'zolari shaxsan javobgarligi e'tibor o'tilsin.

6. Mazkur qaror ijrosini nazorat qitish Xalq deputatlari tuman Kengashining "Mahalliy budjet, iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish, investitsiyalar va tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari bo'yicha" doimiy komissiyasi raisi B.Ruxitdinov zimmasiga yuklatilsin.

Xalq deputatlari Parkent tuman
Kengashi raisi

Sh. Shoaxmedov



Xalq deputatlari Parkent tuman Kengashining
2022 yil 23 apreldagi
VI-47-37-10-141-K/22-son qaroriga
2-ilova

Parkent tumani bo'yicha 2022 yil jamoatchilik fikri asosida shakllangan tadbirlarni moliyalashtirish bo'yicha

MANZILLI RO'YXAT

№	G'olib taklif ma'lumotlari		Amalga oshirishning aniqlangan qiymati	Xaqiqatda ajratilgan mablag'	Moliyalashtirish manbaasi (FTJ, qo'shimcha manbaa, budjet parametri)	Buyurtmachi tashkilot	
	Taklif ID raqami	Taklifning qisqacha mazmuni					
1	2	3	4	5	6	7	8
"Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi" da shakllangan mablag'							
1	1880400202	Parkent tumani "Navro'z MFY Amir Temur ko'chasini 1000 metr qismini asfalt qilish	1375	500000,00	Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi	
2	1880400170	Parkent tumani "Bodomtepa" MFYning "Diyonat" ko'chasining 1650 metr qismini asfalt qilish	1350	970000,00	Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi	
3	1880400099	Parkent tumani "Bo'rsiliq" MFYning "Zangtepa" ko'chasining 1500 metr qismini asfalt qilish.	1255	800000,00	Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi	
4	1880400158	Parkent tumani "Istiqbol" MFY xududidagi Bolalar-o'smirlar sport maktabining yopiq suzish suv havzasini joriy ta'mirlash	1247	1000000,00	Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi	Tuman Bolalar va o'smirlar sport maktabi	
5	1880400208	Parkent tumani "Objuvoz" MFYning "Iste'dod" ko'chasida joylashgan "Gulbog'" markaziy futbol o'yingohiga tozza ichimlik suvi chiqarish	1246	800000,00	Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi	Tuman Bolalar va o'smirlar sport maktabi	
6	1880400026	Parkent tumani Xalk ta'limi bo'limiga qarashli 22-umumiy umumiy o'rta ta'lim maktabida mavjud xonani ta'mirlash va zamonaviy kompyuter hamda qurilmalar bilan jihozlash	1159	2200000,00	Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi	Tuman Xalq ta'limi bo'limi	

7	1880400123	Parkent tumani "Samarobod" MFYning "Saodlar" ko'chasini 2000 metr qismini asfalt qilish	1070	1000000,00	1000000,00	Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi
8	1880400102	Parkent tumani Krasnagorsk qo'rg'oni "Said-ota" MFYning "Yoshlar" ko'chasini 1100 metr qismini asfalt qilish	1007	500000,00	500000,00	Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi
9	1880400177	Parkent tumani "Kunuksoy" MFYning "Diyonat", "Shifokorlar" va "Zarangsoy" ko'chalariga elektr simyog'och xamda elektr transformator o'rnatish	681	250000,00	250000,00	Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi	Tuman hokimligi
Taqsimlanmagan mablag'				174540,00	x	x	x

*) Izox: Aniqlangan smeta xujjatlari asosida mablag'lar O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Senatining 2021 yil 22 apreldagi KQ-213-IV-sonli qaroriga asosan shaxsiy xarakterdagi xarajatlarga yo'naltirilmaydi.

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 122129 на приобретение Ташкент вилояти Паркент тумани Бурсилик МФЙ Зангтепа кучасини 1163 метр кисмини асфалтлаштириш ишларини бажариш

Способ проведения электронный

Дата 23.07.2022

Время рассмотрения 23.07.2022 13:54

Конкурсная комиссия Паркент тумани Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии ALIXO'JAYEV бош мухандис ободонлаштириш бошкармаси
G'AYRATXOJA TILLAXO'JAYEVICH

Секретарь комиссии ABDUMALITOV BUNYOD Инфратузилма Паркент ТОб
ABDUMALIKOVICH бшлими бошлиги

Член комиссии Норматов Фозил ички йуллар Паркент ОБОДОН
буйича техник

Член комиссии Звёвидинов захриддин ошбор мудир Паркент ОБОД

Член комиссии Нуров Тохир механик Паркент ТОб

Член комиссии Ахмедов Отамурод булим бошлиги ободон

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 23.07.2022 года № лота 122129.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по ремонту и содержанию автомобильных дорог
Подробное описание	Ташкент вилояти Паркент тумани Бурсилик МФЙ Зангтепа кучасини 1163 метр кисмини асфалтлаштириш ишларини бажариш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	493 622 422.00
Стартовая сумма	493 622 422.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг Солиқлар ва мажбурий туловлардан қарзи йўқлиги тугрисидаги маълумот 4-шакл картотека-2 да мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг Солиқлар ва мажбурий туловлардан қарзи йўқлиги тугрисидаги маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PARKENT TUMAN YO'L.FOYD.UK	25	25	15	Экспертная		
OOO ART REM STROY GROUP	25	100	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
Enter Road MCHU	25	Солиқлар ва мажбурий туловлардан қарзи йўқлиги тугрисидаги маълумот	25	Экспертная		
OOO DAYR RAYON YOL	25	25	25	Экспертная		
OOO IDEAL ASFALT BROK	25	моливий маълумотнома	25	Экспертная		
OOO TEXTSTROYBIZNES TRANS	25	Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг Солиқлар ва мажбурий туловлардан қарзи йўқлиги тугрисидаги маълумот 4-шакл картотека-2 да мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот	25	Экспертная		

Критерий №2 Машина ва механизмлар рўйхати**, 3-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойихани бажариш учун зарур бўлган 3 та дан кам бўлмаган? Қўли билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги қурилиш техникаларининг баллари 30% камайтирилди) 1. Автогрейдер Тта 2. Каток 1 та 3. Самасувал 2 та 4. Асфалтуклатчик

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PARKENT TUMAN YO'L.FOYD.UK	25	30	25	Экспертная		
OOO ART REM STROY GROUP	25	100	19.2	Экспертная		
Enter Road MCHU	25	Машина механизмлар	19.2	Экспертная		
OOO DAYR RAYON YOL	25	25	20	Экспертная		
OOO IDEAL ASFALT BROK	25	машина-механизм	19.2	Экспертная		
OOO TEXTSTROYBIZNES TRANS	25	Машина ва механизмлар рўйхати**, 3-шакл	20	Экспертная		

Критерий №3 Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 1-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш стаж 2 йилдан кам бўлмаган мажбурий раҳбарлардан1 киши мавжудлиги. 3 йил иш стажига эга дипломага эга 1 кишидан иборат инженер-техник ходимларни мавжудлиги. Участка бошликлари ва мастерлар) Ишлаб-чиқариш техника бўлимида 2 йил иш стажига эга дипломи 1 та мутахассиси мавжудлиги. Ходимларнинг йиллик уртача сони 6 (камида) Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PARKENT TUMAN YO'L.FOYD.UK	25	30	25	Экспертная		
OOO ART REM STROY GROUP	25	100	25	Экспертная		
Enter Road MCHJ	25	Умумий маълумотлар	25	Экспертная		
OOO DAVR RAYON YOL	25	25	24.5	Экспертная		
OOO IDEAL ASFALT BROK	25	1-2шакл	25	Экспертная		
OOO TEXSTROYBIZNES TRANS	25	Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 1-шакл	25	Экспертная		

Критерий №4 Энг яхши таклифларни танлаб олишдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси*. 2-шакл фақат шу йўналишда

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклифларни танлаб олиш савдодагига ўхшаш профил бўйича охириги 3-йили (1-йили мажбурий) ўз кучи ҳамда ўз вақтида *бажариши. Хар бир йил ўз кучи билан бажариш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PARKENT TUMAN YO'L.FOYD.UK	25	25	25	Экспертная		
OOO ART REM STROY GROUP	25	100	25	Экспертная		
Enter Road MCHJ	25	Уч йиллик бажарилган иш хажмлари	23	Экспертная		
OOO DAVR RAYON YOL	25	25	25	Экспертная		
OOO IDEAL ASFALT BROK	25	ИШ ТАЖРИБАСИ	25	Экспертная		
OOO TEXSTROYBIZNES TRANS	25	Энг яхши таклифларни танлаб	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		олишдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси*. 2-шакл фақат шу йўналишда				

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
PARKENT TUMAN YO'L.FOYD.UK	493 622 422.00	468 941 254.00 UZS	468 941 254.00	00.00	468 941 254.00	19.07.2022 14:42:12	09.47
Enter Road MCHJ	493 622 422.00	444 260 179.00 UZS	444 260 179.00	00.00	444 260 179.00	20.07.2022 10:47:50	10.00
OOO IDEAL ASFALT BROK	493 622 422.00	459 529 463.00 UZS	459 529 463.00	00.00	459 529 463.00	21.07.2022 15:24:17	09.67
OOO DAVR RAYON YOL	493 622 422.00	444 260 180.00 UZS	444 260 180.00	00.00	444 260 180.00	20.07.2022 14:07:23	10.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
PARKENT TUMAN YO'L.FOYD.UK	81	9.47	90.47
Enter Road MCHJ	82.98	10	92.98
OOO IDEAL ASFALT BROK	84.78	9.67	94.45
OOO ART REM STROY GROUP	Не прошел	Не прошел	Не прошел
OOO TEXSTROYBIZNES TRANS	Не прошел	Не прошел	Не прошел
OOO DAVR RAYON YOL	85.05	10	95.05

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 122129 от 23.07.2022 года на приобретение Тошкент вилояти Паркент тумани Бурсилик МФЙ Занттепа кучасини 1163 метр кисмини асфалтлаштириш ишларини бажариш определила победителем:

OOO DAVR RAYON YOL
306475529

и резервный исполнитель: OOO IDEAL ASFALT BROK (308244133)

Проголосовали

